

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ” КАФЕДРАСИ**

Кўлёзма ҳукукида  
УДК:657.5:658(575.3)

Миролимов Муслимбек Юсуфжон ўғли

**ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ ТАРМОҚЛАРИДА  
АСОСИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН МОЛИЯВИЙ  
НАТИЖАЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(Акциядорлик жамиятлари мисолида)**

5А 230901 - «Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича)»  
мутахассислиги бўйича  
Магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар: проф. Холбеков Р.О.

**ТОШКЕНТ – 2019**

Ушбу магистрлик диссертация ишида иқтисодийни либераллаштириш шароитида корпоратив бошқарувда асосий фаолиятдан олинган молиявий натижаларни назарий ва амалий тадқиқ қилиш ҳамда уларни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

This is the master dissertational work will study of theoretical and practical views on theme financial results in corporate management in the liberalization of the economy, and develop scientific and practical recommendations on their improvement.

Магистрлик диссертация иши “Бухгалтерия ҳисоби” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган. 10- сонли баённома «30» май 2019 й.

Илмий раҳбар: проф. Холбеков Р.О.

  
ИМЗО


28.06  
сана

Магистр: Миролимов М.Ю.

  
ИМЗО

\_\_\_\_\_   
сана

**“Ҳимояга тавсия этилади”**  
“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси  
муdiri проф. Холбеков Р.О.

  
“ 01 ” июнь 2019 йил

Ҳимоя 2019 йил “02” июль соат 14-00 да Тошкент давлат иқтисодий университетидан бўлиб ўтади.

## Мундарижа:

КИРИШ.....	3
1-Боб. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида молиявий натижалар ҳисоби ташкил қилишнинг назарий асослари.....	10
1.1. Ишлаб чиқаришни модернизация қилишда «Ўздонмаҳсулотлари» акциядорлик компанияси корхоналари ва уларда молиявий натижалар ҳисоби ва аудитини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	10
1.2.«Ўздонмаҳсулотлари» компанияси корхоналарида молиявий натижаларни шакллантириш ва уларнинг туркумланиши.....	15
1.3. Донни сақлаш ва қайта ишлаш тармоғининг жамиятда тутган ўрни ҳамда ўзига хос ишлаб чиқариш хусусиятларининг молиявий натижалар ҳисобга олиш усулига таъсири .....	24
1-Боб бўйича хулоса .....	29
2-Боб. “Ўздонмаҳсулотлари” компанияси корхоналарида молиявий натижалар ҳисобини ташкил қилиши ва муаммолари.....	31
2.1. “Боғдоддонмаҳсулотлари” АЖ корхонасида молиявий натижаларни ҳисобга олиниш тартиби.....	31
2.2. “Боғдоддонмаҳсулотлари” АЖ корхонасининг асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳисоби.....	41
2.3. “Боғдоддонмаҳсулотлари” АЖ корхонасида молиявий фаолиятдан олинадиган фойда (зарар)ни ҳисобга олиши ва муаммолари.....	47
2- Боб бўйича хулоса .....	52
3-Боб. Молиявий натижалар ҳисобининг ташкилий тамойиллари ва услубий жиҳатдан такомиллаштириш йўналишлари.....	54
3.1. Молиявий натижалар ҳисобини ташкил қилишнинг услубий асослари ва тамойилларини такомиллаштириш.....	54
3.2. Бухгалтерия ҳисоби тизимини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш негизида молиявий натижалар ҳисобини такомиллаштириш.....	58
3 - Боб бўйича хулоса.....	69
Хулоса.....	70
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	73

## КИРИШ

**Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва долзарблиги.**

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз саноат тармоқлари маҳсулотларининг жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини таъминлаш, уларни ишлаб чиқариш жараёнларини техник-технологик жиҳатдан замонавий асосларда ташкил қилиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга алоҳида аҳамият қаратилди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида тармоқнинг саноат маҳсулотлари умумий ҳажмидаги улуши 2000 йилдаги 1,3 фоиздан, 2016 йилда 2,9 фоизга ўсди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, улушини кўпайтириш»<sup>1</sup> вазифаси қўйилган. Ушбу устувор вазифани амалга оширишда маҳаллий ҳомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, тармоқни модернизация ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, рақобат муҳитини шакллантиришдаги муаммоларни ҳал қилишда алоҳида аҳамият касб этади.

“Ўздонмаҳсулот” Акционерлик Компанияси корхоналарида хом-ашё ва материаллардан самарали фойдаланишда ва уни ҳаракатини назорат қилишда сақланётган доннинг ҳисобини тўғри ташкил қилиш ва унинг натижаларини тўғри расмийлаштириш амалдаги тармоқ бухгалтерия ҳисоби тизимининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини пасайтиришда тармоқ харажатларини тўғри бюджетлаштириш ҳам асосий вазифалардан бири бўлиб турибди.

Қишлоқ хўжалигида етиштирилган буғдойни исрофсизликларсиз тайёр маҳсулот холига кетириб, сотишда амалдаги бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизими миллий стандартларини халқаро стандартлар асосида такомил-

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.